
ФЕРМЕРЛАРГА ҲЕЧ ҚАНДАЙ БОСИМ ЎТҚАЗИЛМАЙДИ?

“Элтуз” интернет сайтида эълон қилинган “Риштонлик фермерлар пилла шартномасини прокурор босими остида имзолашди» номли мақола юзасидан туман ҳокимлиги қуйидагиларни маълум қилади.

Риштон туманида 230 тадан ортиқ фермер хўжаликлари фаолият юритаётган бўлиб, бугунги кунда улар пилла, ғалла ва пахта етиштиришда вилоятда етакчилардан бири сифатида эътироф этилади. Хусусан, пахтачилик борасида миришкор деҳқонларимиз республикада биринчилар қаторида тилга олинади.

Бугунги кунга келиб, Риштон туманида пиллачиликни ривожлантириш борасида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида пиллачилик ва қорақўлчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида фармонига асосан, “Agropilla” MChJ va “Nurli tong Silk” MChJ кластер ташкил этилган бўлиб, касаначилар ва туман ““Agropilla” MChJ ўртасида пилла етиштириш учун шартномалар тузилади.

Бу борада туман прокурори ёки бошқа бир мансабдор шахс босим ўтказди, дейиш ноўрин.

2023-01-25 17:58:15